ХАЛҚАРО РЕЙТИНГДА ЎҚИТУВЧИЛАР КАСБИЙ ФАОЛИЯТИГА ХОС БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

Халиков Аъзам Абдусаломович
Низомий номидаги ТДПУ профессори, педагогика фанлари доктори
https://doi.org/10.5281/zenodo.10155966

Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш муаммолари сўнгги йилларда мамлакатимиз илм аҳли томонидан назарий, амалий ва стратегик томондан жиддий эътибор қилинмоқда.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетнинг 2026-йилга қадар белгиланган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг соҳавий, минтақавий, 2030-йилга қадар глобал рейтингига киришга эришиш чоралари ҳозирги кунда асосий муаммо сифатида ҳаракат дастурига айланган.

Ҳозирги кунга қадар Тошкент давлат педагогика университети Times Higher Yeducation (таймс хар эдикейшин) (THE) халқаро рейтингларининг Барқарор ривожланиш мақсадлари йўналишлари бўйича бир қанча ютуқларни қўлга киритган:

1. Сифатли таълим (Quality Education) - Жаҳон рейтингида 801-1000 ўринни эгаллади.
2. Гендер тенглиги (Gender Equality) - Жаҳон рейтингида 601-800 ўринни эгаллади.
3. Муносиб иш ўринлари ва Иқтисодий ўсиш - Жаҳон рейтингида 601-800 ўринни эгаллади.
4. Тенгсизликни камайтириш (Reduced inequalities) - Жаҳон рейтингида 801+ ўринни эгаллади.
5. Ўта қашшоқликка барҳам бериш (No poverty) - Жаҳон рейтингида 401-600 ўринни эгаллади.
6. Барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорлик. - Жаҳон рейтингида 1001+ ўринни эгаллади.

Бироқ Ўзбекистоннинг халқаро рейтингдаги нуфузи албатта ўқитувчига ва унинг фидокорона меҳнатига боғлиқ. XXI асрга келиб ўқитувчининг вазифаси янада такомиллашиб бормоқда. Глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникatsiя технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши бугунги кун ўқитувчисидан юксак маҳоратни, қобилият ва интеллектни, ўткир иродани, психологик қувватни, ҳар жиҳатдан чуқур билим ва мулоҳазали бўлишни талаб қилади.

Ўқитувчи касбий фаолиятига нисбатан белгиланган талаблар йиғиндиси педагогик фаолиятга касбий тайёрлик сифатида таърифланади. Унинг таркибида, бир томондан, психологик, психофизиологик ва жисмоний, иккинчи томондан эса, илмий-назарий ва амалий компетентликни бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати асоси сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунда ўқитувчи касбий тайёргарлигининг мазмуни шахсий ва касбий фаолиятининг инвариант, идеаллаштирилган ўлчамларини акс эттирадиган *профессиограмасида* ўз аксини топади.

Ҳозирги вақтга келиб, ўқитувчи профессиограммасини қуриш борасида улкан тажрибалар тўпланган, у ўқитувчига касбий талабларни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини ўзаро тўлдирадиган сифатлар комплексига бирлаштириш имкониятини беради. Булар: умумфуқаролик сифатлар; ўқитувчи касбининг ўзига хосликларини белгилайдиган

сифатлар; фанга (ихтисосликка) оид энг янги доимий ўрганиб бориладиган махсус билим, кўникма ва малакалардир. Психологлар профессиограммани асослашда шахснинг ақли, ҳислари ва иродаси сифатининг синтезидан иборат бўлган педагогик қобилиятлар рўйхатини тузишга мурожаат қилишади. Хусусан рус психологи Вадим Андреевич Крутецкий ўқитувчининг *дидактик, конструктив, ташкилотчилик, коммуникатив қобилиятларини*, шунингдек, педагогик тасаввур ва диққатини тақсимлашга қодир бўлишини алоҳида ажратиб кўрсатади.

Ўқитувчилик – моҳиятан фақат билимларни тарғиб қилишдан иборат бўлган касб эмас, балки шахсни баркамол инсон сифатида яратишга, инсонни инсон қилишга қодир бўлган юксак миссиядир. Шу боисдан ҳам ўқитувчига қуйидагича тавсиф бериш мумкин:

– юксак фуқаролик масъулияти, ватанпарварлиги ва ижтимоий фаоллиги;

– болаларга нисбатан меҳр-муҳаббат, касбий масъулиятни ҳис этиш, эҳтиёж ва қобилият;

– юксак профессионализм, илмий-педагогик тафаккурнинг инновацион услубларни яратиш ва ижодий қарорлар қабул қилишга тайёргарлиги;

– ўз фанига доир билимларнинг мукаммал соҳиби, маданиятнинг юқори даражаси, ёндаш фанлар соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукаммал эгаллаганлиги;

– педагогик такт, педагогик назокат, педагогик техника, юксак ирода, нотиқлик санъатини мукаммал эгаллаганлиги;

– педагогик-психологик билимларни ва ўз фанини мукаммал билиши, тафаккурнинг бойлиги, сиёсий саводхонлик, фикрлаш доирасининг кенглиги, мафкуранинг бойлиги;

– мулойимлик, хушмуомалалилик, диққат-эътиборлилик, жамоада ўзини тута билиши, хулқ-атворга мослашувчанлиги;

– фидокорлик, инсонпарварлик, ишбилармонлик, интизомлилик, дилкашлик, меҳрибонлик, виждонлилик, хайрихоҳлиги;

– ташаббускорлик, самимийлик, онглилик, кузатувчанлик, қатъиятлилик, танқидий фикрларни эътироф этишга мойиллик;

– мантиқий дунёқарашининг бойлиги, эътиборлилик, тартиб-интизомлилик, инсоф ва диёнатлилик, ватанпарварлик, ҳақиқатгўйлик;

– педагогик эрудициянинг мукаммаллиги, эҳтиёткорлик, принципиаллик, рефлексив хусусиятларга эгалиги;

– камтарлик, адолатпарварлиги, зийраклик, ботирлик, одоблилик, ахлоқан поклик, янгиликка интилиш ва уни ҳис қилиш, ўз қадрини билиш, сезгирлик, эмоционаллик ва бошқалар.

Бу ўқитувчининг қисқа ва лўнда тавсифномаси шахсий тавсифлар даражасигача аниқлаштирилиши мумкин.

Ўқитувчи профессиограммасида унинг шахсий *йўналганлиги* етакчи ўрин тутади. Шу боис ўқитувчи-тарбиячи шахсининг ижтимоий-маънавий, касбий-педагогик ва билишга йўналганлигини тавсифлайдиган хусусиятларини ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб кўриб чиқмоқдамиз.

Ўқитувчи *шахсининг ижтимоий-маънавий йўналганлиги* унинг умуминсоний қадриятларга йўналганлиги тизимида ўз ифодасини топади, улар орасида гуманистик: бола

шахси ва унинг ривожланишига, у билан педагогик мулоқотга, ўқувчиларнинг фуқаролик фаоллигини тарбиялашга йўналганлик етакчи ўрин тутади.

К.Д.Ушинский инсон тарбиясининг энг асосий йўли эътиқоддир дейди ва эътиқодга эътиқод билан таъсир кўрсатиш мумкинлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, ҳар қандай ўқитиш дастури, ҳар қандай тарбия методлари, улар қанчалик яхши бўлмасин, тарбиячининг **эътиқодига** айланмас экан, жонсиз ҳарф бўлиб қолаверади, ҳеч бир таъсир кучига эга бўлмайди. Энг синчков назорат бу ишда ёрдам бермайди. Тарбиячи йўриқноманинг кўр-кўрона ижрочиси бўлиши мумкин эмас: тарбиячининг юрак тафти билан исимаган ҳар қандай йўриқнома ҳеч бир кучга эга бўлолмайди[1].

Ўқитувчининг фаолиятида *ғоявий эътиқод* шахснинг ижтимоий-маънавий йўналганлигини белгилайдиган бошқа барча хусусият ва тавсифларини, жумладан, ижтимоий эҳтиёжлари, ахлоқий ва қадриятли йўналганлиги, ижтимоий бурч ва фуқаролик масъулияти ҳисларини белгилайди. Ғоявий эътиқод ўқитувчининг ижтимоий фаоллиги асосини ташкил этади. Айнан шунинг учун у ўқитувчи шахсининг тобора чуқур фундаментал характеристикаси саналади.

Ўқитувчига қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири – *юксак фуқаровийликдир*. Ўқитувчи-фуқаронинг юзини унинг гуманистик эътиқоди, нафақат болалар, балки кенг оммага билим беришга (яхшилик уруғини сочишга) интилиши, инсон шахсини камситадиган камчилик ва маънавий нуқсонларга нисбатан бетоқатлик, бурч ва масъулият ҳиссининг кучлилиги, ўзининг педагогик компетенциясини ва тарбияланувчилари учун ўрнак бўлишга интилиш, мамлакатнинг турли бурчакларида маданият ўчоқларини яратиш қобилияти белгилаб беради.

Ўқитувчи оддий фуқаро сифатида ўз халқига садоқат, дардкаш туйғулари билан яшайди. У ўзининг тор ташвишлари билан ўралашиб қолмайди, унинг ҳаёти маҳалласи, қишлоғи, тумани (шаҳри) ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Ўқитувчи шахси структурасида *касбий-педагогик йўналганлик* алоҳида ўрин тутади. У ўзига хос зинапоя вазифасини ўтайдики, унинг атрофида педагог шахсининг асосий касбий аҳамиятли хусусиятлари яъни маҳорати жамланади.

Ўқитувчи шахсининг касбий йўналганлиги, аввало, педагогик касбий фаолиятга қизиқиши ва ўқитувчилик унинг ҳаётий мазмуни эканлигига боғлиқ. Педагогик йўналганликнинг асоси *ўқитувчилик касбига қизиқиш* саналадики, у болаларга, ота-оналарга, педагогик фаолиятга ва унинг муайян турларига ижобий ҳиссий муносабат, педагогик билим ва малакаларни эгаллашга интилишда ўз ифодасини топади. *Педагогик касб* идрок этиладиган бўлиши мумкин саналган педагогик қизиқишдан фарқли ўлароқ, педагогик ишга қодирликни англашдан бошланадиган мойилликни англатади.

Педагогик касбий фаолиятнинг умр мазмуни экани *болаларга нисбатан муҳаббатга* асосланади. Бу асосий сифат ўқитувчининг касбий-педагогик йўналганлигини тавсифловчи кўплаб касбий аҳамиятли сифатларни ўз-ўзида такомиллаштириш, мақсадли ўз-ўзини ривожлантириш омили саналади.

Бундай сифатлар сирасига педагогик бурч ва масъулият киради. Педагогик бурч ҳиссига амал қилган ўқитувчи доимо болаларга, катталарга, унинг ёрдамига муҳтож бўлганларнинг ҳаммасига ўз ҳуқуқ ва компетенцияси доирасида ёрдам беришга ошиқади;

[1] Ушинский К.Д. Педагогические сочинения в 6 томах. –М. –Т. 3. –Б. 168-169.

у ўзига нисбатан талабчан, ўзига хос *педагогик ахлоқ* кодексига оғишмасдан амал қилади. Педагогик бурчнинг олий кўриниши ўқитувчининг ўз касбига фидойилиги саналади. Айнан шу фидойилик ўқитувчининг меҳнатини илмий асосда ташкил этилишида ўз муносабатини ифодалайди. Шу сифатларга эга ўқитувчи вақтни, ҳатто саломатлигини унутиб ишлайди. Мамлакатимизда ҳамиша фидойи ўқитувчиларни ниҳоятда кўплаб учратиш мумкин.

Педагогикада адолатпарварлик ўқитувчининг холислиги (объективлиги), унинг маънавий тарбияланганлигининг ўзига хос ўлчови бўлиб хизмат қилади. В.А.Сухомлинскийнинг фикрича, ўқитувчининг адолатпарварлиги – ўқувчининг тарбиячига бўлган ишонч пойдеворининг асоси. Бироқ индивидуалликдан ва шахсий манфаатлар, эҳтиослар, туйғулардан ташқари қандайдир мавҳум бошқача адолат йўқ. Адолатпарвар бўлиш учун ҳар бир боланинг маънавий оламини бутун нозикликлари билан билиш лозим[2].

Ўқитувчининг касбий-педагогик маҳоратини тавсифлай-диган шахсий сифатларидан яна бири унинг *нуфузида* жамланган ифодаси саналади. Бошқа касблар доирасида “илмий нуфуз”, “ўз соҳасида тан олинган нуфуз” каби жумлалар одатий саналса, ўқитувчининг рефлексиясида ягона ва бўлинмас шахсий нуфузи бўлиши мумкин.

Ўқитувчи *шахсининг билишга нисбатан йўналганлиги* асосида *маънавий эҳтиёжлар ва қизиқишлар* мавжуд. Шахснинг маънавий кучлари ва маданий эҳтиёжлари ифодаси кўринишларидан бири *билимга эҳтиёжлик* ва унинг ўз-ўзича қадрият эканини англашдир. Педагогикада ўқитувчи таълимнинг узлуксизлигини ҳис этиши – ўқитувчининг касбий жиҳатдан маҳоратини ривожлантириб бориши билан ўлчанади.

Билимга эҳтиёжнинг асосий омилларидан бири *ўқитадиган мутахассислик фанини билишга қизиқиш* саналади. Л.Н.Толстой, болани фан билан тарбиялаш учун мазкур фанни севиши ва билиши керак, ана шунда ўқувчилар сизни севиб қолади, сиз эса уларни тарбиялайсиз. Аммо ўзингиз фанни севмас экансиз, ўқишга қанчалик мажбурламанг, фан тарбиявий кучга эга бўлмайди[3]. Бу фикр ривожини В.А.Сухомлинский ишларида ҳам кўриш мумкин. Унинг фикрича, педагог ўз фанини шу қадар яхши билиши керак, дарсда, материални ўрганиш давомида унинг диққат марказида ўрганилаётган билимнинг мазмуни эмас, балки ўқувчилар, уларнинг ақлий меҳнати, уларнинг фикрлаши, уларнинг ақлий меҳнатидаги қийинчиликлари туриши керак[4].

Ҳозирги ахборот технологияларининг жадал суръатда ривожланаётган бир даврда ўқитувчи ўз мутахассислик фанининг турли соҳаларидан доимо хабардор бўлиб бориши, унинг ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқаришга оид ва маданий вазифаларни ҳал қилишдаги имкониятларини пухта билиши лозим. Бироқ бунинг ўзи етарли эмас, у янги тадқиқотлар, кашфиётлар ва фаразлардан бохабар бўлиши, ўқитаётган фан соҳасининг яқин ва узоқ истиқболларини ҳам кўра билиши керак.

[2] Қаранг: Сухомлинский В.А. Сердце отдам детям. Киев, 1969. –Б. 83.
[3] Толстой Л.Н. Педагогические сочинения. – М.; 1953. – Б. 72.
[4] Сухомлинский В.А. избранные педагогические сочинения в 3 т. –М.; 1981. – Т.-. – Б. 53.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кайковус. Қобуснома (Форсчадан Муҳаммад- Ризо Огаҳий таржимаси).: С.Долимов. – Т., Ўқитувчи, 2006. – 208 б.
2. Крутецкий В.А. Педагогические способности, их структура, диагностика и условия формирования и развития – М.: Просвещение, 2008. – 346 стр
3. Навоий А. Маҳбуб ул–қулуб. Асарлар 15-том.- Т.: “Фан” 2005.
4. Сухомлинский В.Д. Болаларга жоним фидо. – Т.: “Ўқитувчи”, 1984. – 254 б.
5. Ушинский К.Д. Педагогические сочинения в 6 томах. –М. –Т. 3. –Стр. 168-169.